

Ушбу сонда:

2 ОРЗУЛАРИ УШАЛГАН АВЛОД

3 ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК, ЮРТИМ!

4 МИЛЛИЙ ЧОЛҒУЛАРИМИЗ ТАРОВАТИ



ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 25 август, чоршанба № 118 (765)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Абдулхамид Сулаймон ўгли Чўлпонни «Мустақиллик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида


Миллий озодлик учун кураш йўлида кўрсатган матонат ва буюк хизматлари, ўзбек адабиёти ва маданиятининг ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун шоир Абдулхамид Сулаймон ўгли Чўлпон /марҳум/ «Мустақиллик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 24 август

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 август кuni Оксарой қароргоҳида «Б'най Б'рис» халқаро яхудиелар ташкилотининг президенти Ричард Хайдеман раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Сизнинг мазкур ташрифингиз - деди Ислам Каримов, меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, - ну-

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон АҚШдаги кўп-лаб жамоатчилик ташкилотлари билан яхши алоқа ўрнатгани, бу эса мамлакатлараро муносабатлар ривожига катта ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан «Б'най Б'рис»

халқаро яхудиелар ташкилоти ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Суратда: Қабул пайти. А.ТўРАЕВ (ЎЗА) олган сурат

ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ!


Хур Ўзбекистонимиздаги барқарорлик, турли миллат кишилари ўртасидаги мустақкам дўстлик, ҳамқору ҳамжиҳатлик бебаҳо ютуғимиздир

Шўролар юритган зўронлик сиёсати миллатларнинг ўз тугилиб ўсган ерларидан бошқа жойларга кўчиб кетишларига мажбур қилди. Тарихнинг бу ач-қиқ ва армонли ҳақиқатини авлодлар ўқиниш билан эслайдилар.

Отам 1906 йилдан бошлаб Тошкентда яшган. У киши Тошкент темир йўлида машинист бўлиб ишларди. Шу билан бирга Мирзачўлда қўриқ ерлари бўлиб, ойда аззолари билан пахта етиштирарди. Ўша даврларда машинистлар замонанинг олди кишилари ҳисобланган. 1954 йилда Тошкент Тўқимачилик институтига, киришга муваффақ бўлдим. Олийгоҳни яқунлаб, «Гидроэнергелойх»нинг ўрта Осие бўлимида иш бошладим.

1962 йилдан буён «Ўзфармасаноат» давлат акционерлик концернига қарашли «Ўзимефам» очик ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилиб келаман. Жамоа-

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ



8 йиллиги олдида



миз жуда аҳил. Шу йиллар ичида Бош механика бўлимида муҳандис-конструктор, техника хавфсизлиги бўлимида муҳандис вазифаларида меҳнат қилдим. Меҳнатим туфайли ўсиб, ундим. Ҳозирда эса техника хавфсизлиги бўйича етакчи муҳандисман.

Ўзбекистон менинг ҳақиқий Ватанимдир. Ҳаётимнинг энг бахтли ва тотли онларини шу гўшадда ўтказганман. Шу ерда турмуш қурдим, фарзандлик бўлдим. Умрим ўзбеклар билан чамбарчас боғлиқдир.

Меҳнат жамоасида, турар жойимда ҳам инсонлар ўртасида ажратиш,

миллат танлашни кўрмадим. Кўни қўшилларим билан дўстона алоқадимиз. Ўғлимни ҳам ўзбекона урф-одатлар руҳида тарбиялашга ҳаракат қилдим. Шунингдек, давлат тилини яхши тушунаман, уни мукамал ўрганиш эзгу мақсадим.

Корхонамизда бир неча миллат вакиллари фаолият кўрсатадилар. Барча дўст-иноқ. Бирининг кунига бири ярайди.

Шу йиллар ичида мен «Дўстлик миллат танламайди» деган ҳикматнинг чин ҳақиқат эканига амин бўлдим. Айниқса бугунги Мустақил Ўзбекистон Республикаси ва

унинг раҳбарияти томонидан барча миллат вакиллари эмин-эркин яшашлари, виждон эркинлиги йўлида барча шарт-шароит яратилган. Ўзимни олсак, ўзбек опа-сингилларим орасида кўп-лаб дўстларим бор: Мунира Сиддиқова билан орадан қил ўтмас дугона бўлсам, технолог Ҳавоноҳ Қориева билан 33 йиллик қадрдонимиз. Ўзбекона тарбия, каттага ҳурмат, кичикка иззат, инсонни қадрлаш, меҳру оқибат, бағрикенглик, саҳийлик, тантилик, одамийлик бошқа ҳеч бир юртда йўқ.

Шу ўринда энг асосий ва умумий бойлигимиз бўлган Ватанимиз тинчлигини алоҳида қайд этишни истардим. Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида энг барқарор, шу билан биргаликда гуллаб яшаётган Республика ҳисобланади.

Нианияля ТЕЛЯТНИКОВА, «Ўзимефам» очик ҳиссадорлик жамиятининг техника хавфсизлиги бўйича етакчи муҳандиси.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Самарқандда тажриба-синов гравитацияси бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди. Бир ҳафта давом этган ушбу анжуманда АКШ, Франция, Италия, Покистон, Хиндистон, Хитой, Россия каби ўнлаб давлатлардан йирик олимлар, тажрибали мутахассислар катнашди. Буюк олим ва мунажжим Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган дастур асосида уюштирилган мазкур тадбирдан қўзланган мақсад табиатнинг асосий кучи ҳисобланган гравитациянинг классик тажрибаларини муҳокама қилиш, ўзбекистонлик олимларнинг шу соҳа бўйича илмий тадқиқотлари билан яқиндан танишиш, келгусида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат эди.

Конференциянинг Ўзбекистонда, қадимий, дунё цивилизациясига улкан улуш қўшган Самарқанд шаҳрида ўтказилган бежиз эмас, - деди Харвард университети профессори Роберт Паунд. - Гравитация фа-ни ҳақида илк фарзлар Марказий Осиёда пайдо бўлган. Беруний, Ал-Хоразмий ва Мирзо Улугбекнинг астрономия мактаби, уларнинг тадқиқотлари соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Алберт Эйнштейннинг нисбийлик назариясига асосан, гравитацион қизил силжишни ўлчаш бўйича ўтказилган тажриба қатор аниқликлар киритганини айтишнинг ўзи кифоя.

Х.ШУКУРОВ, ЎЗА муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ ХУСУСИДА

24 август кuni Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот марказига маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилди. Улар олдида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги А.Комилов кискача баёнот эълон қилди.

Республика ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари йирилганларга кеча ва бугун Россия телевидениеси, хусусан, РТР канал кўрсатувларида, шунингдек, Тожикистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котиби А.Азимов, Тожикистон Президентининг матбуот котиби З.Саидовнинг баёнотларида гўеки «Тожикистондан Киргизистонга кириб олган жиноятчи гуруҳларнинг Бирлашган тожик мухолифатига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу жангарилар Жума Намангоний раҳбарлигидаги муросасиз ўзбек мухолифатига мансуб» қабиллидаги ахборотлар тарқатилганини маълум қилди.

РТР ҳамда Тожикистоннинг расмий шахслари Ж.Намангонийнинг одамлари беш йилдан буён «Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида кўчиб юргани»ни таъкидлади. Улар «Ўзбекистон исломий уйғониш ҳаракати»ни ҳам гапириб ўтдилар.

Шу муносабат билан А.Комилов

қатъий равишда қуйидагича баёнот берди:

Биринчидан, муросасиз мухолифат деган тушунчанинг ўзи йўқ ва унинг мавжудлиги ҳақидаги баёнотлар фитнадан ўзга нарса эмас. Беш йилдан ортқ вақт давомида Бирлашган тожик мухолифати томонида жанг қилган, таркиби ўзбекистонликлардан иборат жиний гуруҳлар бор.

Иккинчидан, Тожикистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котиби А.Азимов айтганидек, бу гуруҳлар, ҳақиқатан ҳам кўчиб юрган. Фақат Афғонистон билан Ўзбекистон ўртасида эмас, балки Тожикистон билан Афғонистон ўртасида.

Учинчидан, бу жиний гуруҳларнинг шу йил феврал ойида Тошкентда бўлган террорчилик ҳаракатларига бево-сита алоқадорлиги ва бу ҳаракат вакилларининг ханузгача Тожикистон худудида яшириниб юрганигини била туриб, қандай қилиб бундай баёнот бериш мумкин, деган савол туғилади.

Ўз баёноти низоҳида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Россиянинг РТР телекомпанияси ҳамда Тожикистон расмий шахсларининг масъулиятсизларча берган хабарларига нисбатан кескин норозилик билдирди.

(ЎЗА)

СЛОВАКИЯ МИЛЛИЙ БАЙРАМЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Словакиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида Словакия Миллий кўзғолонининг 55 йиллиги ҳамда Словакия Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг етти йиллигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Словакиянинг Ўзбекистондаги муваққат ишлари вакили Йозеф Мачишак ўз мамлакатига сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва мада-

ний-маърифий соҳаларида юз бераётган янгилашиллар, жумладан, Словакия ҳукуматининг Европа Иттифоқи ҳамда НАТОга аъзо бўлиш йўлидаги савб-ҳаракатлари хусусида сўзлаб берди. У Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги муносабатларга ҳам тўхталиб, савдо-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари юксак даражада ривожланаётганини таъкидлади.

Жўшқин ҳаёт нафаси

лар ҳақидаги маърузалари тингланди.

Тадбирда ёшларни камол топтиришда маънавий-маърифий тарбия тизимини янада яхшилаш, ўқувчилар бўш вақтларида олиб бориладиган ишларни уларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш, бу борада синф раҳбари, психолог, маҳалла, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш вазифалари белгилаб олинди.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ҲОЗИРЛИК

Қибрай туманидаги Янгиобод қишлоғида қурилаётган касб-хунар коллежи янги ўқув йилида ўқувчиларни ўз бағрига олади. Ҳозир бу ерда жиҳозлаш ишлари низоҳида етказилмоқда. Коллеж мажмуида юз ўринли ётоқхона, мажлислар зали, тен-

нис корти, волейбол, футбол майдончалари ҳам мавжуд. Бу эса ўқувчиларга ҳар томонлама чуқур билим бериш билан бирга уларни жисмоний чиниқтириш имконини беради.

Айни пайтда вилоятда битта академик лицей ва саккизта касб-хунар коллежида ҳам пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари низоҳида етказилмоқда.

ҚОВУН САЙЛИ

Навоий шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида аънавий «Қовун сайли» бўлиб ўтди. Унда вилоят деҳқонлари етиштирган «Оқшар», «Бури-калла», «Асат», «Мирамир» каби 42 турдаги қовун-тарвуз намойиш этилди. Сайлда энг ширин ва сифатли қовун-тарвуз етиштирган деҳқонлар рағбатлантирилди.

Ш.ШАРОПОВ ва Ш.ОЛИМОВ олган суратлар (ЎЗА).

Спорт

ОЛИС АВСТРАЛИЯДА КОЗОНИЛГАН МУВАФФАҚИЯТ

Австралида 20 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати низоҳида етди. Уттиз саккиз мамлакат спортчилари иштирок этган бу мусобақада Ўзбекистондан 4 нафар спортчи Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди.

Ўзбекистонлик Дилшод Мансуров қумуш медални қўлга киритди. Унинг командадош дўстлари Тўлқин Бўронов билан Талъат Илесов учинчи ўринни эгаллади, Зойир Азимов эса олтинчи ўринни эгаллаб, ўз вази тоифасида 10 та кучли спортчилар қаторидан ўрин олди.

Ўзбекистонлик спортчилар умумкоманда ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллади.

ЖИДДИЙ ИМТИҲОНГА ЖИДДИЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЕРАК

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасида Учинчи Урта Осие Уйинларига тайёргарлик масалаларига бағишланган кенгаш бўлди. Бу уйинлар шу йил 1 октябр кuni Киргизистонда бошланади.

Ўзбекистон делегацияси таркибига спортнинг 12 тури бўйича шугулланувчи 198 нафар спортчи, 27 нафар мураббий ва ҳамкам қиради.


Учинчи Марказий Осие Уйинларига боришдан олдин спортчиларимиз республикамизнинг энг яхши спорт базаларида жиддий тайёргарлик қуради.

Бишкекдаги Уйинлар мамлакатимиз спортчиларининг 2000 йилда Сиднейда ўтказиладиган Олимпия Уйинларига тайёргарлик куришида муҳим босқич бўлади.

(ЎЗА)

ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ!

Хур Ўзбекистонимиздаги осуда ҳаёт, барқарорлик, турли миллат кишилари ўртасидаги мустақкам дўстлик, ҳамқору ҳамжиҳатлик бебаҳо ютуғимиздир



би, инсонга бўлган муносабат... ҳамма-ҳаммаси мени ром этди. Гарчанд Догистонни севсам-да, бу юртдан кетишни ҳаёлимга ҳам келтирмадим.

1993 йилдан бери қорхона касабаси уюшма кўмитаси раисининг ўринбосариман. Менинг зиммамга маданий, спорт-соғломлаштириш ишларини олиб бориш масъулияти юкланган. Ишчи-хизматчилар ишончини оқлаш биринчи галдаги вазифам. Қорхона ҳузуридаги санаторий-профилакторий республикадаги бу хилдаги энг яхши ситтахолардан биридир. Маданият саройимиз ҳақи-

тун Ҳамза тумани аҳолиси учун катта марказга айланган. У ерда юз эликдан кўпроқ турли тўғараклар ва уюшмалар мавжуд. Халқ театри, турли миллатлар ижодий уюшмалари, вокаль-чолғу ансамбллари ва бошқалар шулар жумласидандир. Бунда ўзимнинг ҳам ҳиссам борлигидан ифтихор ҳис қилмоқдаман. Бошқача бўлиши мумкинми, ахир! Бутун онгли ҳаётим шу ерда ўтди. Шу ерда турмуш қурдим. Уғлим шу ерда туғилди. У ҳозир Авиация институтида ўқимокда. Бўлғуси авиатор!

ШУ ЗАМИН ФАРЗАНДИМАН

Ўтаётган ҳар бир йил озод турмушимизни мустақкамлашда бир босқич бўлмоқда. Илоё, Ватанимизни ёмон кўзлардан сакласин. Озод Ўзбекистонимизнинг буюк келажagini кўрмоқ бахти барчамизга насиб этсин, деган ниятни шу байрамона кунларда ҳам дилимизга жо қилиб юрибмиз.

Мен асли Догистоннинг тоғли қишлоқларидан бирида туғилганман. Уша ерда мактабни тугатдим. 1975 йил Догистон политехника институтини битириб, Тошкентдаги Чкалов номи Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига йўлланма олдим. Инсон учун биринчи галда унинг кадр-қўлтидир. Юртининг гўзаллиги, одамларининг саҳий қал-

да ҳам шундай дейиш мумкин. Давлат акционерлик жамиятимиз болалар-ўсмирлар спорт мажмуида тарбияланиб чиққан ёш футболчиларимиздан бир нечтаси ҳозир республика олий лигаси командаларида тўп сурмоқда. Уларнинг айримлари халқаро футбол майдонларида республика спорт шарафи учун курашмоқдалар. Маданият саройимиз бу-

Хуллас менинг юртим шу ер, Ўзбекистондир. Мен энди бошқа ерда яшашни тасаввур ҳам қила олмайман.

Биз ёруғ юз, улкан орзу-умидлар билан келажакка юзланиб турибмиз. Кўнгилдаги ниётларимиз ҳам беғубор. Уйлайманки, Юртбошимиз айтганларидек, Ўзбекистон келажаги буюк давлат ва биз ҳаммамиз бу йўлда бутун кучимиз, иродамиз, билимимиз, ғайратимизни азиямаймиз.

Раиса ЭЛДОРОВА.
Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси касабаси уюшма кўмитаси раисининг ўринбосари.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ

8 йиллиги олдида

Бахтим шундаки, таназзулга юз туган собиқ шўро давлатлари ичида ўзининг барқарор ижтимоий ҳаёти билан жаҳон ҳамжамияти эътибори ва ҳурматиға сазовор бўлаётган қўлғу дийёр - Ўзбекистонда туғилганман. Муволағани эктирмайман, лекин бор гап шу: бу ерда хурликнинг асл маъносини ҳис қиласан, киши. Турли миллат вакиллари бир оила аъзоларидек мамлакат манфаати йўлида ҳамжиҳатлик ила меҳнат қилмоқдалар. Эътиқодлари турли динға мансуб бўлса-да, яшаш ва турмуш тарзлари фақат эзгуликка йўғрилгандир. Ҳеч кимнинг ҳеч ким томонидан қамситилишиға асло йўл қўйилмайди бу ерда. Конституция ва бошқа қонунларимиз фуқаролар ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилади ҳамда қафолатлайди.

ГУРУРИМ, БОРЛИГИМ МЕНИНГ

Ойнаи жаҳон орқали ҳар кўни янгиликларни кузатиб бораман. Бўлаётган воқеалар ҳақида матбуот воеиталаридан бохабар бўлиб турибман. Шўрки, мунаввар тонг яхши кайфиятда кутиб олинмоқда. Ҳар ким ўз иши билан банд, яратувчанлик иштиёқида. Оқшомлари шаҳар кўчаларида болаларимиз билан бемалол, беҳавотир сайр қилишимиз мумкин. Бундан ортиқ бахт борми?!

Миллатим - тожиқ. Опаларим ўзбекка турмушга чиққан. Ҳаётимиз тинч-тотув. Олти нафар фарзандим бор. Болаларимнинг севишли ва меҳрибон аяси ҳам ўзбекдир.

Ўзим тадбиркорлик билан шуғулланаман. Шаҳар четидаги ташландик ерни ижараға олиб, сув ҳавзаси ташкил қилдим. Болаларнинг ёшларига қараб, махсус ҳовузчалар қурдик. Бу ерда фарзандларимиз чўмилишади, сузишни ўғанишади. Қисқаси, уларнинг саломатлиқларини мустақкамлашда камтарона ҳисса қўшмоқдаман.

Биламан, мустақилликнинг имкониятлари кенг. Уни суз билан ифодалаш қийин. Лекин бунинг қадрини билиш учун жаҳонда рўй бераётган воқеалар сабабларини англаш қийин. Шу боис, Ўзбекистон - борлигим менинг дегим келади!

Ҳамроқул МИНГЯШАРОВ, тадбиркор.



РЕСПУБЛИКА ШАЪНИ ДУНЁГА ЁЙИЛДИ

Мустақиллик ўзбек халқи, шу жумладан, узоқ йиллардан буён бу ажойиб ўлкада яшаб, меҳнат қилиб, уни ўз она Ватани каби суйиб, эъозлаб келаятган татар миллатига мансуб кишилар тақдирига қандай таъсир кўрсатди, деган саволни тез-тез ўз ўзимга бериб турман. Бундай саволга теварак-атрофимизда, шундоқки, энгинамизда рўй бераётган катта, қувончли ўзгаришлар мисолида жавоб топиш мумкин. Биргина Амир Темур кўчасидаги улкан бунёдкорлик ишларидан ҳам фаҳрга тўласан, ҳам ҳайратга тушасан, киши. Буюк соҳибқирон номидаги хиёбон, Темурийлар тарихи давлат музейи, французлар барпо этган замонавий меҳмонхона, қайта таъмирланган Олой бозори, унинг ёнидаги янги йўл, кўприк, барча болалар ҳавас қиладиган оромгоҳу ўйингоҳ, теннис, корти, Юнусобод бозори атрофидаги таърифта сизмас қурилишлари янги метро йўналишидаги кенг қўламли

ишларни фақат истиқлол туфайлигина амалга ошириш мумкин бўлди. Булар Ўзбекистонда яшовчи ўнлаб миллат вакиллариининг ҳамкорликда, баҳамжиҳат, қўлни-қўлга бериб меҳнат қилганликлари самарасидир.

Ўзим узоқ йил Тошкент асбобсозлик очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида ишчи бўлиб ишлаш билан бирга, спортнинг классик кураш тури бўйича шуғулландим. Бир неча марта мамлакат чемпиони бўлганман. Шогирдим Рустам Қазақов ҳатто жаҳон чемпионати олтин медалини қўлга киритган. Акам Курбат ва укам Алмежит Аблаевлар ҳам республикамиз спорт шаънини дунёга ёйиш йўлида тер тўқмоқдалар.

Айни пайтда учамиз ёшларни жисмонан соғлом, бақувват бўлиб етишишлари учун бор тажрибамизни ишга солмоқдамиз.

Рифат АБЛАЕВ,
«Асбобсозлар» спорт-соғломлаштириш мажмуи раҳбари.


ҚАДРДОНЛАР БАҒРИДА

Ўзбекистонда 1,5 миллион козок миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Шу қадрдон заминда козок урф-одатлари, миллий анъаналари, санъати, адабиёти ва маданиятини саклаш ҳамда ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган. Қувончлиси шуки, республикада 600 дан ортиқ мактабларда ёшларга козок тилида таълим-тарбия берилмоқда. Қеракли дарсликлар етарли. «Ўзбекистон» нашрийти қошида ташкил этилган «Асл мур» таҳририяти орқали дарсликлар бизнинг тилға таржима қилиниб, илм масканларига тарқатилмоқда. Нукус, Бухоро, Навоий, Гулистон, Тошкент, Ангрэн педагогика институтларида талабалар козок тили ва адабиёти ихтисоси бўйича таълим олишмоқда.

Ҳаётни газетасиз тасаввур этиш қийин. Этиборлиси шуки, Бўстонлик, Юқори Чирчиқ, Мирзачўл, Қонимех, Учқудук, Томди туманларида ва Қорақалпоғистон Республикасида нашрларимиз чиқиб турибди. Ун нафарга яқин козок ижодкорлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоларидир. Уларнинг ижодида дўстлик, истиқлол мавзуси алоҳида ўрин тутди.

Айни кунларда Тошкент шаҳрида ва олти вилоятда, 50 дан ортиқ туманларда маданий марказимизнинг бўлимлари ишлаб турибди. Маҳаллий марказлар билан яхши алоқа ўрнатилган. Бир-биримизнинг тадбирларимизда албатта иштирок этамиз. Бу турли миллатга мансуб кишилар ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатликини мустақкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Юрагимдаги гап, Ўзбекистонда яшаш насиб қилганлиги, барча орзуларимизга эришаётганлигимиз боис бошимиз осмонда. Ўзбек кадрдонларимиз бағри кенг, саҳий, танти инсонлардир. Улардан фақат яхшилик кўрпимиз. Марказимизда Ўзбекистон мустақиллигининг саккиз йиллик тўйига катта тайёргарлик кўрилди. Тадбирларда дўстлик алоҳида улуғланади.

Турсумат ХОЛБОЕВ,
Ўзбекистон Козок миллий маданий маркази раиси.



ОРЗУЛАРИ УШАЛГАН АВЛОД

Инсон қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар қиндик қони тўқилган жойни Ватан деб билади. Уша жойни азиз-муқаддас тутди. Мен бир нарсдан хурсандман: бу юртда 100дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшашиға қарамасдан ҳаммамиз бир-биримиз билан аҳил, иноқимиз. Зеро, «Шу азиз Ватан барчамизники», - деган шиор ҳаммамизга бирдек азиз. Ҳар биримиз шу нарсани англаб етишимиз, юртининг равнақи, келжаги учун бирдай жон қуйдиришимиз керак. Ана ўшандагина ривожланиш қўтилганидек бўлади.

Мустақиллик бизга буюк имкониятларни ҳада этди. Тадбиркорликми ёки бошқа соҳами, ҳар кимнинг хоҳиши - истаганча шуғуллансин - иқтидори нимага етса ҳаммаси учун шароит бор.

Масалан, ўзим спортчиман. Собиқ Иттифоқ даврида чет эл ареналарига чиқиш хомхаёл эди. Қанчадан-қанча иқтидорли спортчиларимиз «ер чиғиб» қолишарди. Бугун-чи? Дунёнинг у чеккасидаги давлатларда ҳам Ватанимиз мадҳияси янграмоқда, байроғимиз баланд кўтарилмоқда. Шарқда Ўзбекистон деган келажаги буюк бир давлат борлигини ҳамма кўрмоқда ва тан олмақда. Бундан ортиқ бахт борми дунёда. Осиё, Европа, Жаҳон Чемпионлари бўлишдек бахтга муяссар бўлаётган спортчиларимиз қанчадан-қанча. Довруғимиз дунёга дoston бўладиган кунлар келди. Чунки орзуларимизни рўёбга чиқаришни нг урдасидан чиқа биладиган абжир, чаққон, садоқатли шогирдларимиз бор. Ана уларни орзуси ушалган авлод, деса бўлади.

Георгий ДАНИЛЯ,
спорт мураббийси.

Мана шунга ҳам 30 йилдан ошиб кетибди. Бу орада қанчадан-қанча уйларни фойдаланишга топширмадик дейсиз. Шу ерда уйла-ниб, бола-чақали бўлдим. Кўплаб дўстлар орттирдим. Ҳозир нафақадаман.

Одамнинг ёши ўтган сари оқ-қорани яхшироқ англаб борар экан. Лекин тан олишим керакки, шунча йил яшаб ўзбек халқидай бағрикенг халқни кўрган эмасман. Бу айниқса мамлакат мустақилликка эришгандан кейин намоён бўлди. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатга асос солинди. Фуқароси эркин, қонун устувор бўлган мамлакат

эса ҳаммаша равнақ топади. Энг муҳими бу мамлакатда тинчлик барқарор. Лекин ана шу тинчликни кўролмайдиган кишилар ҳам орамизда йўқ эмас. Хусусан 16 феврал воқеалари кўзимизни очди. Шу боис бир-зум бўлсин биз ҳушёрликни йўқотмаслигимиз лозим.

Истиқлол шахсан ўзимга, оила аъзоларимга чинакам бахт эшигини очиб берди. Уйлар қурдик, тўйлар қилдик, фарзандлар камолдини кўрдик. Ниятимиз: дўстлигимизга, осуда ҳаётимизга кўз тегмасин.

Пётр МИРОНЧУК,
меҳнат фаҳрийси.



БАХТИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН

Мустақил республикамизнинг ҳар бир гўшаси, замини биз учун азиз ва муқаддас. Чунки отам ҳам, волидаи мухтарамам ҳам шу ерда туғилиб, таълим-тарбия олиб ўзларини мейвасидан мутахассислик бўйича меҳнат қилганлар.

Онажоним ҳозир меҳнат фаҳрийси. Доимо биз фарзанди набираларига «Болаларим, Ўзбекистон биз учун қадрдон Ватан. Тошкентда бахтимизни топдик. Дунёда ўзбеклардек самимий, меҳнаткаш, инсонпарвар халқ бўлмас керак. Мана, ҳар бирингиз олий даргоҳларда тахсил олдингиз. Иш-

ри Федерацияси Қенгашига қарашли «Чинобод» ситтахтоҳида кадрлар бўлимининг катта ноизи бўлиб ишлаб келаялман.

Бу шифобахш масканда мамлакатимизнинг турли бурчакларидан, шунингдек, кўшни республикалардан дам олувчилар ташириб буюриб ўз соғлиқларини тиклаб кетишяпти.

Истиқлол йилларида ситтахтоҳида кўплаб ижобий ўзгаришлар бўлди. Эндиликда бир йўла 450 нафар киши дам олиш имкониятига эга. «Оналар ва болалар» бўлими ташкил этилганлигидан барча мамнун. Бизни қўни-қўшилар

бахтли оила деб ҳавасланишади. Мен бундан фахрланаман. Турмуш ўртининг Дё Роберт спортнинг ашаддий мухлиси. Олий маълумотли жисмоний тарбия мутахассиси. Ўғлимиз Александр эса Шарқшунослик институтининг охириги босқич толиби.

Бугун мамлакатимизда байрам экинлари уфурмоқда. Қалбларда фахрифтхор туйғуси. Истардимки, бу ҳиссиёт ҳеч қачон бизни тарқ этмасин, авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолаверсин.

Ким АРИНА,
етакчи мутахассис.

Муштарий илҳоми**ИСТИҚЛОЛИНИҲ МУБОРАК, ЖОНАЖОН ЮРТИМ!**

Эрк сабаб ўзликни, ўзни танидинг,
Ўзликни англатар юзни танидинг.
Эрк туғи қадалган сўзни танидинг,
Бахт-иқбол муборак, жонажон юртим,
Истиқлол муборак, онажон юртим.

Қара, дунё бўйлаб карвонинг ўтар,
Карвонини бўйлаб сарбонинг ўтар.
Сен дунёга, дунё сенга қўл тутар,
Бахт-иқбол муборак, жонажон юртим,
Истиқлол муборак, онажон юртим.

Бўларкан эрк суюк, озодлик суюк,
Халқим келажагинг бўлғуси буюк.
Эрк боис таъзимда сенга еру кўк,
Бахт-иқбол муборак, жонажон юртим,
Истиқлол муборак, онажон юртим.

Бўйларингни бўйлар истиқлолинг бор,
Истиқлолинг борки, истиқболнинг бор.
Шу-чун йўлдошингдир омад, бахт, баҳор,
Бахт-иқбол муборак, жонажон юртим,
Истиқлол муборак, онажон юртим.

Хадича МИРАҲМЕДОВА.

Нукус шаҳрида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитасининг Раёсати тавсиясига биноан Қорақалпоғистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси, Жўқорғи Кенгеси, Халқ таълими вазирлиги, ўрта махсус ва касб хунар таълими бошқармаси вакиллари ва бошқа жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон

ХУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

Президенти Ислам Каримовнинг Миллий ахборот агентлиги муҳбири саволларига жавоблари атрафлича ўрганилиб чиқилди. Йиғилиш иштирокчилари 16 феврал воқеаларига тўхталиб тинчлигимизни, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришяётган ютуқларимизни кўра олмай галамисларча ҳаракат қилиб

халқни чўчитмоқчи бўлганларни қаттиқ қоралдилар ва уларни нияти пуч эканлигини, эндиликда ҳеч қандай куч бизни танлаган йўлимиздан қайтара олмаслигини қатъий таъкидладилар.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитасининг раиси, профессор И.Абдуғаниев

ҳозирги даврда жамоат ташкилотларининг мамлакатимиз ривожланишидаги ўрни, касаба уюшмалари ва улар фаолиятидаги ижтимоий ҳимоялаш, маънавият ва маърифат масалалари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ҳаётга тадбиқ этиш ва бажаришда касаба уюшмалари вакиллари ҳақида тўхталди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги

КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

халқ саломатлиги йўлида сидқидил
меҳнат қилаётган тиббиёт
ходимлари ва барча фуқароларни
яқинлашиб келаётган

Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги
байрами билан қизғин муборакбод
этади!

Барчангизга жондан азиз
Ватанимиз - ҳур Ўзбекистонни
гуллаб - яшнатишга қаратилган
саъи-ҳаракатларингиз баракали,
кайфиятингиз аъло, оилангиз
бахт-саодатли бўлсин, деймиз!
Барча шароитлар муҳайё этилган
оромбахш шифо масканларимиз
сизга доимо мунтазир!

Хар бир халқнинг ўзига азиз она тили бўлганидек, кадрдон куй-оханларига асосланган миллий мусикаси ҳам бўлади. Бу мусиканинг бекиёс ва бебаҳолиги шундаки, унда гўё халқнинг ўтмиши-ю бугуни, авлод-аждодаларининг баркамол руҳияти-ю келажак хақидаги гўзал орзу-истаклари акс этади. Бинобарин, халқ мусикаси - кўп асрлик синовлардан ўтган, миллионлаб кишилар калбига жо бўлган маънавий бойлигимиздир. Халқ маънавий ҳаётининг турли кўринишларида (оилавий маросимлардан тортиб оммавий сайл, тантана ва бошқа кўлаб байрамларда) намоён бўладиган хилма-хил чолғуларимиз ва уларда садоланиб келинаётган миллий наволаримиз ана шу бойлиқнинг ажралмас таркибий қисмини ташкил этади.

Кўз билан кўриб бўлмас ва моҳиятан руҳ гизоси бўлмиш куй-нағмаларини садолантирувчи миллий чолғулар, айни пайтда, халқимизнинг дурадгорлик, мисгарлик ва умуман, амалий-безак санъати соҳасидаги камолотининг аниқ фанлар ютуғи билан бир нуктадаги кесишувини инъикос этади. Дарҳақиқат, нақшлар ила сайқалланган ва даста пардалари аниқ ҳисоблар асосида тизиб чиқилган танбур дуторимиз, рубобу садомимиз, қонун чангимиз, қолаверса, барча соғналимиз кўзни қувонтирувчи алоҳида санъат намуналаридир, десак муболаға бўлмайди. Бу ҳолат мусикий чолғуларимиз тарихи узоқ даврлардан бошланиб тадрижий тақомиллашиб келаятиганди дарақ беради. Иттифоқо, бизнинг жонажон Ватанимиз кўпгина чолғуларининг аёл бешлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бизда чолғу турларининг сероблиги (ўзбек халқи мусикий чолғуларига бойлиги жиҳатидан жаҳон халқлари орасида илгор ўринлардан бирини эгаллайди), уларда ижро этиш воситаларининг қарий барча кўринишлари (торли-чертма, торли-камонали, торли-зарб, торли, дамли-пуфлама, урма-зарбли ва х.к.) мавжудлиги ҳамда ижрочиликнинг яқна ва журнавоз

ҳайкалчалари ва бошқалар) муҳим ашёвий далиллар бўлиб хизмат қиладди. Бугунги кунда миллий чолғуларимиз ва қатор Шарқ халқлари соғналимиз ўртасида кузатилаётган шаклий ва бошқа ўхшашликлар ана шу жараёнларнинг ҳам натижасидир.

• Чолғуларимиз хусусидаги илмий маълумотларни ўрта асрларга оид ёзма манбаларда, жумладан, Абу Наср Форобийнинг «Катта мусика китоби», Зайнулбиддин Хусайнийнинг «Қонуни илми

бошқа соғналар асосида баён этганлар. Бунда куй асосини ташкил этган нағма, бўд, мукамал пардалар уюшмасини ҳосил этиш масалалари чолғуларда нисбий аниқлик билан кўрсатиб берилган. Шунингдек, чолғучилик санъатининг ривож топиши асносида Шарқ «нота» ёзувлари ҳам ихтиро этилган бўлиб, улардан бири уд сози учун мўлжалланган «табулатура» эди. Уни XII-XIII асрда яшган машҳур мусикачи ва олим Сафийуддин Урмавий кашф қилган.

гар сўз эрур. (Ахмадий. «Соғналар мунозараси»дан) Эй Навоий, топти мутриб созида кўнглим наво, Гўё жон риштасига тегди Мизроби анинг. (Алишер НАВОЙИ) Чолғуларимиз бажардиган яна бир муҳим бадий вазифа сифатида уларнинг инсон овозига жўр бўлишлигини айтмоқ керак. Бу хусусда олимларимиз чолғу мусикасининг инсон овозига нисбатан «иккиламчи» аҳамиятга эга

жуд бўлса-да, бироқ бу ҳолатларда ҳам инсон овозига ижодий тақлиднинг идрок этамиш. Бу тақлид эса чолғу куйини айтим оҳанларига мойил сўлим табиатида, овоз тароватини ёдга солувчи кўлаб ижривий «безак» усуллари (нола, қочирим ва бошқалар)нинг кўлланилишида намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, чолғуларимиз асосан «устоз-шоғирд» йўсинида тахсил олган соз устасининг ижодий меҳнати ва устоз созаданларнинг юксак санъати орқали бизгача етиб келди. XX аср давомида чолғуларимизнинг «тақомиллашган» йўлида турли натижалар берган кўлаб уринишлар амалга оширилди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, чолғулар ўзининг тадрижий ривож йўлига эга. Уларнинг ўзига хос овоз таровати, пардалар тизилмаси ва уларни аъёнаний садолантириш усуллари - барчаси муштарак ҳолда миллий соз сифатини белгилайди. Демак, у ёки бу созга ишлов бериш мақсад этилганда ана шу ҳолатларни назарда тутиш лозим бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, истиклол боис миллий чолғуларимиз ҳаётида янги давр бошланади. Эндиликда чолғучилигимиз ривожланиши учун катта имкониятлар юзага келди. Хусусан, миллий чолғулар ёш авлоднинг таълим-тарбия этиш ишида, жумладан, болалар мактаблардан тортиб олийгоҳларда кенг кўлланила бошланди. Шунингдек, турли даражада халқ чолғулари ижрочиларининг танловлари ўтказилмоқда.

Оқилхон ИБРОҲИМОВ,
мусикашунос.

МИЛЛИЙ ЧОЛҒУЛАРИМИЗ ТАРОВАТИ

28-29 август кунлари Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» II Халқаро мусика фестивали доирасида «Шарқ халқлари мусика чолғулари» мавзусида илмий-ижодий конференция ўтказилади

Сув оқади бошин уриб, Мажнунтолнинг соясига...

Хар тўғрида ТОШ ПАХТА

Асбест тоғ жинсларидан ҳисобланувчи маъданлардандир. Унинг ташқи кўриниши пахтага ёки ипакка ўхшаса ҳам кимёвий таркиби ва физик хусусиятлари билан улардан фарқ қиладди. Асбест «ёнмайдиган» деган мазмунни англатади.

Халқ орасида уни тош пахта деб юрлатадилар. Тош пахта кўпгина нозик тошалардан ташкил топган, ундан оловга чидамли ҳар хил матолар тўқиш мумкин.

Тош пахта қадимдан маълум. Ота-боболаримиз уни ёғ чирокларга пиллик қилиб ишлатганлар. XVIII аср бошларидаёқ Пириней ва Венгрияда биринчи бўлиб асбестдан ўтда ёнмайдиган қоғоз ва пилликлар ишлаб чиқарила бошланди.

1806 йилда Италиялик Елена Перлентиф кўп йиллар давомида канопо аралашмасидан тош пахтанинг соф ўзидан мато тўқиш усулларини излаб, охирида нозик тўр тўқишга муяссар бўлган. Сўнгра ёзиш мумкин бўлган қоғоз тасмалар, манжетлар ва бошқа нарсалар ясаган. Уша даврдан бошлаб тош пахтани қазиб олиш ва уни тозалаш иши санъатнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб қолди.

ФОРС ХИКМАТЛАРИ

Кур жойига кириб боради. • Айрилик кўчиси муҳаббатни бутунлай сундиради, кучли муҳаббатни эса баттар аланга олдиради. • Кўнгли хохламаган ишга кўл уриш ишдан завқланиш эмас, балки, куч, ирода, зехн ва асабни издан чиқариш демак. • Инсон вайждони ҳам унинг ақли каби тарбия ва тажрибага муҳтож. Шошқалоқлик билан тежорликнинг фарқи бор: шошқалоқлик - ақлнинг заифлигидан, тежорлик - ақлнинг матонатидан дарақ беради.

1999 йил - Аёллар йили

ХАЛОСКОРИМДАН МИННАТДОРМАН

— дейди дардига шифо топган икки ярим мингинчи бемор

Тошкент «Тез ёрдам» клиник шифохонаси шундоқки Фарход бозори ёнигинасида жойлашган. Бу ерга маслаҳат, тавсиялар олиш ёхуд ўз халоскорларига миннатдорчилик билдириш илҳомидан келган кишиларни ҳам учратиш мумкин.

— Уч ой аввал ёғур дунёдан умидимни узиб қўйгандим. - дейди улардан бири - Собир Раҳимов туманида яшовчи Ш.Халилов. - Ушбу шифохонага ётдим ўзимни бошқача ҳис эта бошладим. Бахтимга олий тоифадаги шифокор Гулбаҳор Бобораҳимова бор экан. У менга алоҳида меҳрибонлик ва саховат кўрсатди. Масалан, у мен билан ўз кизи отасига қандай муомала қилса шундай гаплашар, шифохонада мавжуд бўлган дори-дармонни ўзи сотиб олиб келарди. Операцияни ҳам ўзи қилди. Мана, кўриб турганимиздек отдекман. Халоскоримга миннатдорчилигимни билдиришга келгандим...

Ха, жарроҳлик фаолиятининг 20 йиллик жараёнида у бундай дил сузларини юзлаб одамлардан эшитгани рост. Ҳақиқатдан ҳам ширин сўзи, хушмуомаласи билан хурмат-этибор қозонган шифокоргина шундай рағбатга сазовор бўлиши мумкин. Моҳир шифокор Гулбаҳор Бобораҳимова кўл урган операциялар сони 2500 тага етди.

— Мен бахтли 2,5 мингинчи беморман, - дейди ўзини Озода Қаршиева деб таништирган ўрта ёшлардаги аёл. - Ўзимни шунинг учун бахтли деб ҳисоблайманки, - аввало мураккаб операция анча энгил ўтганини ҳис қилиб турдим. Бундан кейин тиг остига ётганларга Аллоҳ меннинг толеимни берсин, дейман. Ўз касбининг фидойиси - Гулбаҳорга ўхшаган шифокорлар доим - юрагимиз кўрида, қалбимиз тўридадирлар.

Павел СИЛИН,
Тошкент шаҳри.

«Оқ»нинг қора иши

Табиат сирини синаётган тўла. Унинг ажралмас бўлаги бўлган одамзотнинг табиатида ҳам бир олам асрор бор. Гарчанд, Раззоки олам бизни энг оқилу доно жонзот сифатида яратган бўлса-да, кўпинча ана шу сирлар уммонида елкансиз қайқиларда қолиб кетамиз. Ўлчам жиҳатдан ҳам, онгу шуур жиҳатдан ҳам биздан анча паст даражада турадиган забонсиз жонзотлар ўз яраларига табиатдаги мавжудот оламида доридармон бўладиган ўт-ўлану турли гиёҳларни излаганда, биз, барча жиҳатдан устун одамлар бир-биримизни қалбимизни яралаймиз. Боз устига биз инсонлар кўра-била туриб оғу билан аўст тутинамиз. Оқибатини билса-да, ўзимизни тия олмаймиз, кейин эса, жуда кеч бўлган бўлади.

Махмут Гадаборшев ҳам худди биздек ана шундай мулоҳазаларга борманга дейсизми? Нега унда оғу эканлигини била туриб ичкиликка ружу қўйди? Нега қотилликка қўл урди? Афсуски, бундай сўнгсиз саволларга на Махмут ақининг ўзи ва на биз жавоб топа оламиз. Аммо, ўша машум совуқ тунда рўй берган воқеа унга дахлдор бўлган одамларнинг вужудини музлатиб юборгани аниқ.

Жорий йилнинг 21 январи эҳтимол кўпчилик учун одатдаги кунларнинг биридек ўтиб кетгандир. Кимдир уни қандай бошланган-ю қай ҳолда ниҳоя топанга эътибор қилмагандир. Бироқ етмишни қоралаб бораётган Махмут ака бу кунни умрининг охиригача унутолмас керак. Чунки, худди шу кун у бадхуморлик оқибатида бир инсоннинг умрига зомин бўлди.

Бу кун юрагида армон дарахти абадий гуллаган Марзия она ҳамда кўзларида қўрқув мангуға қотиб қолган Клавдия Михайловнанинг хотирасида ҳам бир умр муҳрланиб қолса керак. Чунки, худди шу кун, Марзия она нене умидлар билан ўстирган чиноридан айрилди. Иккинчисининг кўзи олдида эса оқ гулу қизил гулларга бурканган ўттиз бешинчи баҳорини кўриш ўрнига оппоқ қўйлаги қип-қизил қонига бўялган Фарид бир умр гавадланиб тураверди.

Аслида бу муҳим воқеа рўй бермаслиги мумкин эди. Аммо... Махмут Гадаборшевни кўргиси зорнинг қалбидаги жароҳатлар сони қанча экан?! Салкам етмиш йил умргузаронлик қилган, оғу билан ошнолик оқибатида қўлни қон қилган, қолган умрини панжара ортида ўтказадиган Махмут ақининг юрагида-чи?!

БАДХУМОРЛИК

Биз ичкилик оқибатида содир этилган жиноятларни судда кўрганимизда жиноятчиларнинг пуншаймондан эгилган бошларини, қаёққа яширишни билмай қолган кўзларини кўп кузатганмиз. Уларнинг қора қилмишларидан нафратланган одамларни ҳам бир неча марта кўрганмиз. Бироқ негадир бу воқеалардан олган таассуротларимиз тезда сўниб қолади. Чиқарган хулосаларимизга эса негидор ўзимиз амал қилмаймиз. Ҳолбуки, даврининг доврқили шоири бўлган Камолиддин Биноий ҳар бир кўнгли кўзи очик одамга англашилари қилиб шундай деганлар:

Бода ҳар бир бошга кириб келган дам, Ақл ундай бошдан узади қадам.

Бу пурҳикмат сўзларни ҳар биримиз ҳамиша ёдда тутмоғимиз ва унга доимо амал қилмоғимиз лозим.

Р.НОРҚУЗИЕВ,
Гулистон шаҳар судининг судьяси.

Т.КУРБОН,
«Ишонч» муҳбири.

«СУРХОН» ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Олий лига жамоалари ўртасидаги VIII миллий чемпионатнинг иккинчи давра ўйинлари анча «ўзгариш»лар билан бўлди. Дастлаб икки кучли жамоанинг ҳужумларига дош беролмаган «Сурхон»чилар кейинги икки тур ўйинларида анча устунликка эришмоқдалар. Бу ҳодисаларни мутахассислар жамоа раҳбарининг ўзгариши билан боғлашмоқда. Биродар Абдураимовнинг гап-сўзига қараганда, унинг мақсади нима бўлсаюм бу йил «Сурхон»ни «хавфли зо-

надан олиб қолиш. Кейин келганда айтиш керакки, Сурхондордан ҳаммиша ҳам яхши ўйинчилар етишиб чиққан. Фақат уларнинг бошини қовуштирадиган мураббий етишмасди. Шу сабаб ҳам «Сурхон» «жар ёқасига» келиб қолганди. Мана энди тажрибали раҳбарнинг ҳаракатлари туфайли жамоа яна қаддини тикламоқда. Ўтган тур ўйинида «Навбахор»ни 1:0 ҳисобида доғда қолдириб ҳаммани хайратлантирган «Сурхон»чилар бу гал ҳеч қан-

дай хайратга ўрин йўқлигини исботлашди. У меҳмонда «Темирйўлчи»дан 5:0 ҳисобида устун келди. Тўққизинчи тур ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Сўғдиёна» - «Хоразм» - 2:6, «Металлург» - «Бухоро» - 1:0, «Нефтчи» - «Зарафшон» - 2:0. Турнинг қолган тўрт ўйини «Пахтакор», «Навбахор» жамоаларининг Осиё клублари кубогиди иштирок этиши ҳамда миллий терма жамоамиз ўртоқлик учрашувлари ўтказиши муносабати билан «Пахтакор»

- «Насаф» яна уч 5 октябрга, яна уч 15 сентябрга кўчирилган. Қолган тур учрашувларида ҳам ўзгаришлар бор. XX турдаги «Зарафшон» - «Навбахор» 22 сентябрга, «Бухоро» - «Пахтакор» 26 октябрга, XXI турдаги «Пахтакор» - «Сўғдиёна» 13 октябрга, «Навбахор» - «Насаф» 4 сентябрга, XXIII турдаги «Навбахор» - «Сўғдиёна» ўйинлари эса 18 сентябрга кўчирилди.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотишда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёти-матбаа концерни босмоқаси. Корхона маънази: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилган вақти - 21.00. Топшириш вақти - 22.00.